

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 50-ҳадис

50 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ صَيْفَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَصِلْ رَحْمَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ فَلْيُكُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصُمْتُ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин! Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қариндошлари билан алоқани тикласин! Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин!» дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Фойда: Қўшнисига зулм қилмасдан яхшилик қилиш, меҳмонини ҳурматлаш ва камгап бўлиш иймон аломатларидандир.

Шарҳ: Инсон ҳаёти бир хил ўтмайди. Бир кун меҳмон кимгадир бўлса, бир куни кимгадир мезбонлик қилади. Ислом дини мусулмонларни ҳаётнинг барча жабҳасида саодат ва Аллоҳ розилигига эришишга йўллайди. Ислом меҳмоннинг ҳурматини бажо келтириб, унга яхшилик қилишга, қурби етганича эҳтиёжларини қондиришга буюради. Мана шундай қилиши мусулмон шахсинг Аллоҳга яқинлаштирувчи ибодатлардан ҳисобланади. Бундай яхшилиги инсоннинг ўзига манфаатли ҳолда қайтади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Меҳмонни ҳурмат қилиб, унга яхшилик қилиш- Аллоҳга ҳақиқий иймон келтиришнинг аломатидир.
2. Қариндошлар билан алоқа тиклаш- Аллоҳга иймон келтиришнинг аломатидир.
3. Ҳақиқий мўмин фақат фойдали, тўғри, жиддий сўзларни гапирди.

4. Мусулмон киши гапиришидан олдин яхшилаб фикрлайди. Агар яхшилик бўлса, сўзлайди. Агар бундан бошқача бўлса, жим тургани афзал.
5. Уйимизга меҳмон келса, унга иззат-икром кўрсатишни маромига етказамиз. Чунки бу иш ҳам Ислом буюрган ишлардандир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI